

## ФАЛСАФИЙ - АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ – ТАСАВВУФ, СҮФИЙ ВА ИЛМ ТИМСОЛИ

Лутфилло Караматиллоевич Ахатов  
Чирчик давлат педагогика университети доценти

**Аннотация:** Фалсафий-ахлоқий қараашлар моҳияти сўфийлар ҳаёти ва тасаввуфий қараашлар ёрдамида таҳлил қилинган. Тасаввуфнинг ривожланиши сўфийлар ахлоқи қа фалсафий мушоҳада иррационал ёндашув асосида тадбиқ қилинади. Бунда ахлоқий қараашларни англаш учун тасаввуф ва сўфийларга илмий ёндашувлар мисолида қаралди.

**Калит сўзлар:** Ахлоқ, тасаввуф, сўфий, илм, ислом, идрок, ирфон, фалсафа, Нақшбанд, Мовароуннаҳр, Шарқ.

## АНАЛИЗ ФИЛОСОФСКИЕ И ЭТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ – СИМВОЛЫ МИСТИЦИЗМА, СУФИЯ И НАУКИ

Лутфилло Караматиллоевич Ахатов  
Доцент Чирчикского государственного педагогического университета

**Аннотация:** Сущность философско - этических взглядов анализировалась с помощью суфийского быта и мистических воззрений. Развитие суфизма основано на иррациональном подходе к философскому осмыслиению суфийской этики. Для понимания этических воззрений был рассмотрен пример научных подходов к суфизму и суфиям.

**Ключевые слова:** этика, суфизм, суфий, наука, ислам, восприятие- мысленно, ирфан, философия, Накшбанд, Маварауннаҳр, Восток.

## ANALYSIS PHILOSOPHICAL AND ETHICAL VIEWS – SYMBOLS OF MYSTICISM, SUFI AND SCIENCE

Lutfillo Karamatilloyevich Akhatov  
Docent of Chirchik State Pedagogical University

**Abstract:** The essence of philosophical and ethical views was analyzed with the help of Sufi life and mystical views. The development of Sufism is based on an irrational approach to the philosophical understanding of Sufi ethics. To understand ethical views, an example of scientific approaches to Sufism and Sufis was considered.

**Key words:** ethics, Sufism, Sufi, science, Islam, perception-mentally, Irfan, philosophy, Naqshband, Mawaraunnahr, East.

**КИРИШ.** Фалсафий-ахлоқий қараашларнинг моҳиятини ҳикмат илми ташкил қиласар экан, тасаввуф йўли ва у йўлга эргашган одамнинг (Сўфиининг) қалби доимо пок ва латиф сифатлар билан безанмоғлиги лозим бўлади. Тасаввуфда қалб дейилганда раббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, унинг аввалги (биологик юрак) қалбга боғлиқлиги мавжуд. Улар орасидаги алоқа худди сифатнинг сифатланган нарса билан алоқасига ўхшайди. Ана ўша латиф нарса инсоннинг ҳақиқатидир. Идрок, билим ва маърифат ўшандандир. Хитоб, итоб, иқоб ва талаб ўшангадир» деб таъриф берилган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР.** Раббоний, руҳоний ва латиф сифатлар билан эътироф этилган қалб орқали ирфоний қараашлар ҳам мукаммаллик касб этиб боради. Шунинг учун баъзи (кўплаб Л.Ахатов) авлиё зотлар ҳатти-ҳаракатларини «каромат»лари тарзида сифатлайдилар. Яъкуб ибн Исҳоқ ибн Маҳмуд номидан «Яҳё ибн Бадр Қурайшийнинг: «Абдуллоҳ ибн Мунир намоздан олдин Фибарда бўлардилар. Намоз вақти бўлганда одамлар у кишини «Омул» масжидида кўришарди. Улар: «Абдуллоҳ ибн Мунир сувда юрадилар», дейишарди. У кишидан бу ҳақда сўраганда: «Сув устида юришни билмайман. Бироқ, Аллоҳ таоло хоҳласа, дарёнинг икки қирғони ни яқинлаштиради», деб жавоб берганлар», деб Имом Шамсиддин Захабий баён этганлар.

Тасаввуф-ирфон илми «Ғайбоният-илоҳиёт илми» улароқ мукаммал тартиб (Шариат) ва мукаммал йўналиш (Тариқат) билан боғлиқ ва уйғунлашган илм маъносида ифодаланади. Ирфоний

қарашларнинг юксак босқичда ифодаланиши учун шайх-устознинг (тасаввуф вакилининг) мурид-шогирдлар ровийси (ривоят-нақл қилувчиси) мавқий ва илм йўлидаги фаолияти билан белгиланишлиги ҳам мумкин. Илмнинг шаклланишлиги фалсафий дунёқараш орқали тизимлаштирилиб, метафизик босқичлари («Ғайбоният-илоҳиёт илми») ирфон илми орқали баҳоланади. Бу ўз-ўзидан фалсафий-ирфоний қарашларнинг шаклланишининг муҳим методологик босқичини ифодайди.

**НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА.** Тадқиқотдаги фалсафий-ахлоқий қарашлар тушунчаси тизими ўзида нимани ифодалайди? Фалсафий-тасаввуфий қарашлар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигига сабаб нима? Фалсафий-ахлоқий қарашларни тизимлаштириш учун қандай омилларга эътибор қаратиш лозим? Ва бошқа бир қанча ўринли саволлар борки, ўрганмасдан туриб, муаммонинг субстанционал аҳамиятини очиб бўлмайди.

Ушбу фикрларнинг моҳиятига диққат билан қаралса, аниқлик (тўғрилик) сифатини англаш учун ташки кўринишидан аниқ бир хулоса чиқариш (фалсафий ёки тасаввуфий қарашлардан бирини алоҳида олиш) қейин. Сифат ташки кўриниши билан бирга ички-моҳияти (фалсафий ва тасаввуфий қарашларнинг ҳар иккаласи) билан бирга ифодаланиши билан сўз-ilmning моҳияти очиб берилади. Тасаввур қилинг: икки инсон (тадқиқотчи) бир предмет ҳақида фикр билдириб, унинг моҳияти ҳақида тортишиб қолди. Айтайлик, ҳаёт-яшааш ва унинг моҳияти ҳақида фикр борди. Биринчиси: инсоннинг яшашида ташки кўринишига қараб (тасаввур орқали Л.Ахатов) унинг жасади ва чиройи (кўриниши) ҳақида фикр берди. Иккинчиси: ўша инсонга дўст тутиниб, ахлоқи, фикри ва фитратини англайб, кейин у ҳақида фикр берди. Табиийки, дўст бўлиб, унинг фитрати ва ахлоқига бўлган муносабатидан келиб чиқиб фикр берган инсоннинг фикрлари мукаммаллик аҳамият касб этади.

Фалсафий-ахлоқий қарашларнинг бирлиги тарзида, (Фалсафий-тасаввуфий кўринишида) фикр юритишида ҳам юқоридаги қарашлардан бири тарзида қаралади. Фалсафий дунёқарашдан хабардор бўлиб, тасаввуф илмидан мосуво бўлган тадқиқотчининг фикри ҳам мукаммаллик аҳамиятидан йириоқдир.

Илм аҳли наздида зиё истаган қалбларга фақатгина «яхши касб» эгаларининг касблари улуғланган. Зотан, Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қиласи: «Қилган яхши касби ўз фойдасига, қилган ёмон касби ўз зарарига» (286-оят) деб марҳамат қилган. Ушбу оят (Бақара сурасининг 286-ояти) Тафсирда »Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан. «Роббимиз, агар унутсан ёки хато қилсан, (иқобга) тутмагин. Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин. Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен хожамизсан. Бас, коғир қавмларга бизни голиб қил», деб берилган.

Бақара сурасининг ушбу 286-ояти тафсирида “Ҳамма нарсани дақиқ-дақиқларигача билувчи Аллоҳ ҳар бир жон ҳам нимага ярайдию нимага ярамайди - яхши билади. Бандаларга меҳрибонлигидан, имкони ва ҳаққи бўлса ҳам, ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди: «Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас» деб тафсир қилинган.

VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда Араб халифалиги истилоҳи орқали минтақага Ислом дини билан биргаликда Ислом илмлари – тафсир, хадис, фикр ва қалом ҳам кириб келган. Бу эса билиш йўлидаги янги тариқат-йўлнинг «кашф» этди. Бу йўл орифларнинг мукаммаллашган-тадрижий илмий мероси билан белгилана бошлаган.

IX асрда ёқ Мовароуннаҳр тўлалигича мусулмон ўлкага айланиб бўлган лиги айтилади. Айни шу вақтда (даврда) маҳаллий илоҳиёт мактабига ҳам асос солинган лиги эътироф этилади.

Маҳаллий илоҳиёт мактабининг фаолияти эса ирфоний қарашлар билан баҳоланиб борилган. Фалсафий-ахлоқий қарашларнинг шаклланиш босқичи жадал суръатлар билан ривожланиб борар экан, тарихий шарт-шароитларнинг турткиси билан фанлар ва ўқитиш тизими ҳам бир босқичдан бошқа (ўз даврига хос Л.К.) босқичга ўта бошлаган. Бу эса, янгича дунёқараш тарзида жамиятда муносабатлар хилма-хиллигини бирлаштириш учун муҳим омиллардан бўлган. Ушбу эҳтиёжнинг ворисийлиги улароқ, ирфон илми ва тасаввуф илми ўзининг янги бир босқичи, илм-фан ва маданият, илми ахлоқ ва маърифат каби босқичларда ривожланди.

Б.А.Абдуҳалимовнинг келтирилган фикрлари, яъни: «IX-XI асрларда мусулмон маданиятида ги умумий маданий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари ижодида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди» деб айтганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга албатта.

Шарқ ва Ғарб иқтисодий-маънавий, ижтимоий-маданий муносабатлари, хусусан, илм-фан йўлидаги интеграциялашувини биз шундай кўриш мумкин:

Марказий Осиё донишмандларининг илмий мерослари IX-XI асрдаги маданият ва умумий маданий юксалишнинг Мовароуннахр ва Хурросон олимлари ижодида ўзининг юксак чўккисига кўтарилиш билан кейинчалик - XII асрдан бошлаб, Европа минтақасидаги илмий-адабий тил саналган лотин тилига таржималар қилина бошланганлиги ҳам илмнинг тадрижий босқичлар билан кенгаеб борганлигини кўрамиз.

XVII-XVIII асрга келиб инглиз, немис, француз, испан тилларига таржималар қилинган.

Мисол учун, Абу Наср ал-Форобийнинг Арестотел асарларига ёзган шарҳларини Берлин академиясида нашр қилганлиги ва XVIII аср охирларида (1890-1891) Ф.Дитереци унинг бундай шарҳлари, фалсафий трактатларини, хусусан, сиёсий фалсафасини (Ал-мадинат ал-фадила) хижжалаб ўрганади. Шунингдек, Фридрих Рюкертнинг «Morgenlandische sagen und Geschichten» («Шарқона ривоятлар ва афсоналар») китобида Абу Наср ал-Форобийнинг куй ижро этиб, ҳаммани хушнуд қилгани, бошқа бир (иккинчи) куй или кўзларда ёш олишга мажбур қилган, учинчи бир куй или уларни хушсиз-ухлатиб қўйганини тасвирлаганлиги ҳаммага маълумдир.

Ўрта асрлардаги тасаввуф-ахлоқ илми Шарқона позицияда шаклланган бўлсада, Ғарбда теологик (теоцентризм) харакатлар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрамиз. Бу эса: «Ваҳдат ал-вужуд» (Ибн Арабий) таълимотига ўхшаш туйилсада, фарқи бор. Теоцентризм бу марказда (асос бўлиб) Худо туришлиги айтилса, «Ваҳдат ал-вужуд» таълимотида Вужуд бирлиги (бирлашуви) Аллоҳ билан боғланишлик айтилган.

Маълум маънода ўхшаш (илоҳий ёки мистик) бўлсада, фарқ мавжуд.

Кўплаб тадқиқотчилар танлаган муаммо-мавзу илмий таҳлил қилиниш учун «Диний-дунёвий илм»лар тарзида баҳоланади. Мабодо «Дунёвий илм»лар асосида таҳлил қилинса, маълум бир соҳа (йўналиш) асносида (Мисол: адабиётчи адабий томонланма, тилчи тилшунослик томондан, тарихчи тарих томондан, файласуф фалсафий томондан ва ҳ.к) таҳлил қилинади. Билакс, «Диний илм»лар асосида таҳлил қилинса ҳам, маълум бир Дин (эътиқод) асносида (Исломшунос исломий томонланма, Христианчи насроний-христианлик томонланма, Авесточи зардуштийлик томондан ва ҳ.к) таҳлил қилинади. Шарқона фалсафани таҳлил этиладиган бўлса, маълум бир давр (замон) ва жой (макон) тарзида (замон: яшаган даври, макон: ўз давридаги жамият, Шарқ, шарқона қарааш ва ҳ.к) таҳлил қилинади. Ғарб фалсафаси таҳлил этиладиган бўлса ҳам, маълум бир давр (замон) ва жой (макон) асносида (замон: яшаган даври, макон: ўз давридаги жамият, Ғарб, ғарбона қарааш ва ҳ.к) таҳлил қилинади.

Ирфон илмининг иртибот лашган шакли улароқ тасаввуф замирида “Ўзини билган одам Аллоҳни билди” деган тамойил ётади. Ўзини ўзи англаш Аллоҳни билишнинг энг қисқа йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги «Дил ба ёру, даст ба кор» деб айтилган ҳикмат исломдаги олижаноб маъно ва моҳиятнинг ифодасидир.

Азиз Наринбоев тасаввуф ҳақида ёзиб, «Тасаввуф учун қуидаги хусусиятлар, деб:

биринчидан, идеалистик метафизикани психологик машғулотлар тизими билан бирлаштириш – аскеза, ўз эътиқодини, барча жисмоний ва руҳий маънавий куч-ғайратини сафарбар қилиш;

иккинчидан, тасаввуф-сўғийлар ҳаракатида тариқат йўлига ундовчи пир-муршидни ҳамда у ёки бу аснода уларга боғловчи (сафига қўшилуқчи) тингловчилари –муридларининг бир сўз билан иштирокини таъминлаш;

учинчидан, «Илоҳиёт-ғайб илми» борасидаги таълимотга риоя этишлик, яъни сафдош-тариқатчилар ёки садоқат или тариқатга берилган инсонлар секин-аста доимий ҳолда мистик билишга интилиш, ишқ-муҳаббат ва робита орқали Аллоҳга яқинлашиш ва пировард натижа улароқ Аллоҳ билан бир бўлишлик. Бу хусусиятлар оламни мантиқий-рационал тушунишни инкор этидиган интуитив билимга, тажаллига, баъзи ҳолларда экстатикага (жазабага), иррационал-ғайриаклий ҳодисаларга қизиқиши, интилиш тасаввуфга хос хусусият-белгиларни билдиради».

Шу билан бирга, ирфон илмининг фундаментал асоси бўлмиш -тасаввуфда қўйдаги йўналишлар ҳам мавжуд:

Биринчи асос: субъектив идеализм (Бистомий, Шиблий, Халлож каби);

Иккинчи асос: объектив идеализм (Имом Фаззолий, Фаридуддин Аттор, Ибн Арабий, Аҳмад Яссавий каби);

Учинчи асос: пантеизм (Жомий, Саъдий, Бедил каби) йўналишлари ҳам эътироф этилади.

Баъзан, пантеизм ортидан сўфийлар фаолияти шакллантирилган, нисбатан илфор материалистик ғояларни тарғиб эттан ликлари ҳақида ҳам фикрлар берилган.

**ХУЛОСА.** Фалсафий-ахлоқий қараашларнинг келиб чиқиши ва шаклланиш босқичлари замон ва макон доирасида таҳлил қилинадиган тадқиқотлар сирасига саналсада, мукаммаллик касб этувчи тасаввуфий-тариқат йўналишдаги илм саналади. Бу борада «Мақомот»-мақом (манзил, бекат) масаласидаги орифларнинг ирфоний қараашларига замин тайёрловчи манзил сифатида ва уларнинг маънавий-рухий камолотини англатувчи муҳим сифат саналган.

Орифларнинг ахлоқ илами орқали мақомот ва унга эришиш (мақомот соҳиби бўлиш Л.А) йўлларида ҳам жуда катта машаққат ва масъулиятлари мавжуд.

Шайх Хорис Муҳосибий (вафотлари 243/857 йил) фикрлари ҳам асос саналади. Шайхнинг (Шайх Хорис Муҳосибий Л.Ахатов) фикрларича, риёзиёт ила нафсни тозаламаган - пок тутмаган солик учун мақомот одобларидан йўл очилмайди, деб таъкидланади.

Ахлоқий-ирфоний қараашлар замирида ҳам руҳий баркамоллик туради. Руҳий баркамолликка эриш учун эса нафсни жиловлаш ва поклаш орқали эришилади. Бундай поклик ва мақомотни таҳлил қилиш учун эса, тафаккур қонунияти ва методологик ёндашув орқали амалга оширилишиги фалсафий қараашлар орқали амалга оширилади. Демак, юқоридаги мақомот ва сулук бобидаги масалаларни иррационал гнезисини маълум қирра-томонларини (қисман) рационал ёндашув асосида билиш мумкин. Бундай ёндашув (рационал тафаккур орқали иррационал жабҳаларга баҳо беришлик) фалсафий-ирфоний қараашларни шакллантиради. Айни пайтда миллий маънавиятининг ажралмас буғини вазифасини ҳам ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Форс – тоҷик тилидан Комилов Н. таржимаси). – Тошкент: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1994. – Б. 18.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мукаммал саодат йўли. – Тошкент: Hilol – nashr, 2014. – Б. 274.
3. Абдуҳалимов Б.А. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). Масъул муҳаррир Хайруллаев М. – Тошкент: O`zbekiston. 2010. – Б. 9.
4. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б. 35.
5. Имом Шамсиддин Заҳабий. Сијару аъламин нурбало – Машҳур даҳолар сийрати (китобидан сайланма асарлар) Алломалар тӯғрисида маълумот. – Тошкент: Sharq, 2015. – Б. 3.
6. Пўлатов Ҳ., Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – Тошкент: 2011. – Б. 143.